

## Қурбон ҳайити куни Тошкент шаҳрида 1060 та автобуслар халқимизга хизмат қилади



10:58 / 25.06.2023 1491

2023 йил 28 июнь куни “Қурбон ҳайити” байрами нишонланиши муносабати билан, йўловчилар ташиш узлуксизлигини таъминлаш ва аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини ошириш мақсадида, Тошкент шаҳридаги 151 та автобус йўналишларига жами 1060 та автобуслар ишга чиқарилиши белгиланган бўлиб, автобус йўналишларининг фаолияти соат 4:00 дан бошлаб йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, “Қурбон ҳайити” намози ўқилиши муносабати билан, масжидларга келиб кетишда пойтахт аҳолисига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида, Тошкент шаҳрида жойлашган 100 га яқин масжидларга соат 03:00 дан, соат 05:00 гача бўлган вақт мобайнида вақтинчалик 60 та махсус автобус йўналишлари ташкил этилиб, ушбу йўналишларга 160 дона

автобуслар чиқарилиши белгиланган.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Қурбон Ҳайити намозига ташриф буюришда ушбу автобуслардан  
фойдаланишингиз тавсия этилади.

***Тошшаҳартрансхизмат АЖ Ахборот хизмати***